

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН Фойдаланиш тугрисида шартнома

№99

Шахрисабз шаҳри

«11» январь 2022 й.

Шахрисабз шаҳар электр таъминоти корхонаси, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи Ф.И.Фролов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Қашқадарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи Н.Б.Холмурадова (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган қувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташкilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қилишилган ҳолда шартнома суммасига узғартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми **30000 кВт.с** ташкilot қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармокларининг булиниш чегарасига етказиб беришни;

б) электр тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;

в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармокларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хоҳишига қура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга

г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармокларининг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолчининг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоклари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида "Таъминотчи"га ҳабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарининг иш режимида риоя қилиш шартноманинг;

д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги таъмирларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;

в) унинг вақили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр ҳисоблагичларни қуриб текширади;

г) маънавий жиҳатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясининг электр тармокларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;

в) электр тармокларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлаш;

г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг қурилма қоидалари" 1.2.17-

банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
 д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узлишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;
 е) электр энергиясидан асосиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;
 ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар қилиш;
 ж) жорий этиладиган чеклашлар хақида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар қилиш;
 з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
 и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя қилинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 13500000-00сум
 (Ун уч миллион беш юз минг) сумни ташкил этади.

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак			
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	
бюджет	4500000	4500000	4500000										

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари берилади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 50 фоиздан кам булмаган микдорида олдиндан 28 санасигача хак аванс тарикасида туланади, истеъмол қилинган электр энергияси учун қолган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилади.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб қилинади. 1 (хисоб-китоб қилиш шакли курсатилади)

3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблаглари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тулов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га 28-санасига муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган такдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тулов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади.

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Хар хил тариф гуруҳига таалуқли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб қўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Қисман (тулик хажмда эмас) хак туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга ошириладиганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли хақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойга кейинчалик амалда истеъмол қилинган электр энергияси буйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблаглар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми қийматининг 50 фоиздан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 50 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда етказиб берилади.

Яқуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 90 кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблаглар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гуруҳи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. "Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унта дарҳол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни куриш зарур булган ҳолларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда; шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг камида 50 фоизини олдиндан туламаганда; ҳисоб-китоб оyi тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини куришга асосиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.4. "Истеъмолчи"дан ҳисобга олиш прибори булмаганда ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда; фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармоғидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тугрисида) ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса факат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қуп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоиздан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи (махсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0.2 фоиз) микдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг таклифига қура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан қеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг узгартирилиши электр энергиясини қам олиш ёки ортикча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қиккан тақдирда томонлар, қоидага қура уларни судгача

хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «11» *сентябрь* дан 2022 «31» декабр гача.

9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.3. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ташдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг қилишувига қура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик қучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

Шахрисабз шаҳар Электр тармоқлари

(таъминотчининг номи)

Манзил: Шахрисабз туман Ипак йўли кўча 102 уй

Тел./факс 522-79-55

Х/В 22636000800177786349

Банк номи Карши ш., АТ Саноат-Курилиш банки

Карши мин.ф.

МФО 00854

ИНН 200666494

ОКОНХ 11170

Раҳбар

(Имзо)

(Ф.И.Ш)

М. Ҳусейнов

М.Ў

«Истеъмолчи»

Қашқадарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Шахрисабз шаҳри Т.Баходир-28

Тел./факс 8_3755227264 5225027

ш/х* 100021860104057092300051001

бюджет маблағ олув ИНН 202379644 ОКОНХ 92310

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Газначилиги

Газна Х/В 23402000300100001010

Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар бош

Бошқармаси ҳисоб-китоб касса маркази

МФО 00014 Газначилик ИНН 201122919

Раҳбар

Ҳ. Б. Холматов



М.Ў


Ушбу 2022 йил «11» январдаги №99 сонли Қашқадарё ихтисослаштирилган санъат

мактаб-интернати _____ билан Шахрисабз шаҳар электр тармоқлари корхонаси уртасида тузилган шартнома

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1 сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонуни талабларига мос келади

Ҳуқуқшунос

М. Ҳусейнов





Д. Ҳусейнов

2022йил «11» январдаги
№99 сонли шартномага 1-сонли
Илова

Шахрисабз шаҳар электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида
етказиб бериладиган электр энергияси куввати



Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори (КВТ)	Нархи	Суммаси
Январ	кВт.с	10000	450	4500000
Феврал	кВт.с	10000	450	4500000
Март	кВт.с	10000	450	4500000
1-чорак жами	кВт.с	30000	450	13500000
Апрел	кВт.с	0	0	0
Май	кВт.с	0	0	0
Июн	кВт.с	0	0	0
2-чорак жами	кВт.с	0	0	0
Июл	кВт.с	0	0	0
Август	кВт.с	0	0	0
Сентябр	кВт.с	0	0	0
3-чорак жами	кВт.с	0	0	0
Октябр	кВт.с	0	0	0
Ноябр	кВт.с	0	0	0
Декабр	кВт.с	0	0	0
4-чорак жами	кВт.с	0	0	0
Хаммаси 2022 йил	кВт.с	30000	450	13500000

Шахрисабз шаҳар электр тармоклари
бошлиғи


(имзо) 
(И.Ф)

М.У

Кашкадарё ихтисослаштирилган
санъат мактаб-интернати директори:


(имзо) 
(И.Ф)

М.У